

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Харид комиссияси раиси,
Соғлиқни сақлаш вазири
ўринбосари



О.Фазилкаримов
8 " 09 .2022 йил

“Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий амалий тиббиёт маркази” давлат муассаси ва тизим муассасалари учун клиник баённомалар чоп этиш

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Тошкент - 2022 йил

Мундарижа

1. Энг яхши таклифларни танлаш бўйича иштирокчилар учун кўрсатма.
2. Энг яхши таклифларни танлашнинг техник қисми.
3. Энг яхши таклифларни танлашнинг нарх қисми.

I. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН КЎРСАТМА

- | | | |
|---|-----|---|
| 1 Умумий маълумот | 1.1 | Энг яхши таклифларни танлаш предмети: “Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий амалий тиббиёт маркази” давлат муассаси ва тизим муассасалари учун клиник баённомалар чоп этиш бўйича хизмат кўрсатиш. |
| | 1.2 | Энг яхши таклифларни танлашнинг юқори қиймати 280.000.000,00 сўм (ҚҚС билан). Белгиланган суммадан юқори тақдим этилган нархлар бўйича тижорат таклифлари кўриб чиқилмайди. |
| | 1.3 | Хизмат кўрсатиш бўйича техник топшириқлар, харид хужжатининг техник қисмида келтирилган. |
| 2 Энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчилари | 2.1 | Энг яхши таклифларни танлаш учун буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 4-уй.
Алоқа қилувчи шахс, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат харидлари бошқармаси бошлиғи Мамадалиев Хурсандбек.
Тел. (+998 71) 239 49 29, (+998 71) 241 07 91 |
| | 2.2 | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат харидлари бошқармаси (кейинги ўринларда “Ишчи орган” деб юритилади), комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади. |
| | 2.3 | Энг яхши таклифларни танлаш Буюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси орқали савдо яқунланган кундан бошлаб 10 иш куни ичида кўриб чиқилади. |
| 3 Энг яхши таклифларни танлашда иштирокчилар | 3.1 | Энг яхши таклифларни танлашда мазкур хизматларни кўрсатиши учун тегишли гувоҳномага эга бўлган наشر этиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар иштирок этиши мумкин. |
| | 3.2 | Қонун ҳужжатларига мувофиқ, компаниялар куйидаги ҳолларда Энг яхши таклифларни танлаш мусобақасида қатнашиши мумкин эмас:
- манфаатлар тўқнашуви;
- нархларни ёки иштирокчиларни Энг яхши таклифларни танлаш натижаларини нотўғри |

кўрсатиш учун олдиндан тил бириктирган иштирокчилар;

- фирибгарлик, қалбакилаштириш ва коррупция намоён бўлганда.

Агар ушбу ҳолатлар аниқланса, Энг яхши таклифларни танлаш жараёнининг исталган босқичида тўхтатилиши (бекор қилиниши) мумкин.

Баҳолаш техник топшириқ ва қўйилган талаблар доирасида сифат устунлиги бўйича амалга оширилади.

4 Энг яхши таклифларни танлаш тили, ўлчов бирлиги.

4.1

Энг яхши таклифларни танлаш жараёнида иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши керак. Агар Энг яхши таклифларни танлашда иштирокчи ҳужжатларга ўзбек ёки рус тилида аниқ таржима илова қилинган бўлса, Энг яхши таклифларни танлаш бошқа тилда бўлиши мумкин. Танлов таклифи матнида бир нечта тиллардан фойдаланилган тақдирда ўзбек ёки рус тиллари устунлик қилади.

5 Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликга риоя қилиш

5.1

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган талаблар:

ишчи орган аъзоси бўлган шахслар, Энг яхши таклифларни танлаш учун топширилган ҳужжатларни ҳисобини юритади;

5.2

комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек Энг яхши таклифларни ўрганиш мақсадида, тузилган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилганлик, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга йўл қўйганликлари, шунингдек бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганликлари учун қонунчилигида назарда жавобгарликка тортилади;

5.3

шартнома бўйича мажбуриятларни (микдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) бажармаган Энг яхши таклифлар танлови ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки тузилган шартномага мувофиқ жавобгар бўлади.

6 Шартнома тузиш

6.1

Харид комиссиясининг қарорига кўра Энг яхши таклифлар танловининг ғолиби деб эълон қилинган иштирокчи билан 10 (ўн) иш куни ичида шартнома тузиш шарт.

- 6.2 Буюртмачи Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби билан нархни пасайтириш учун музокаралар олиб бориш ҳуқуқига эга.
- 6.3 Ғолиб томонидан шартномани ўз вақтида имзоламаганлиги, шартномани тузишдан бош тортиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бунда Энг яхши таклифларни танлашда, кейинги (захирада – баҳолашда иккинчи ўрин) иштирокчининг мақбул таклифи кўриб чиқилади.

**Малакавий ҳужжатлар
Рўйхати**

- 1 Энг яхши таклифларни танлашда иштирокчининг муҳри билан тасдиқланган ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.
- 2 Ишлаб чиқариш ускуналари, бинолари, цех ва омборхоналар мавжудлиги. (Иштирокчининг ёзма тасдиқланган ҳужжати)
- 3 Ишлаб чиқариш қуввати (Иштирокчининг ёзма тасдиқланган ҳужжати)
- 4 Солиқлар ва бошқа турдаги мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарзлар (шакл №1)
- 5 Тахририй наъмунавий нусханинг мавжудлиги (Иштирокчи томонидан тақдим этиладиган наъмуна)
- 6 Ишчилар сони (Иштирокчининг ёзма тасдиқланган ҳужжати)
- 7 3 (уч) йил давомида молиявий барқарорлиги тўғрисида маълумот (Бухгалтерия ҳисоботининг 1 ва 2 шакллари)
- 8 Ўтказиб бериш муддати (1 ой) (Иштирокчининг ёзма тасдиқланган кафолат хати)

ИШТИРОКЧИНИНГ МАРКАЛИ БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссиясига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу кафолат хати билан бизнинг корхонамиз _____
қуйида келтирилган жараёнларда эмаслигини тасдиқлаймиз: (Ширкат номи)

- қайта ташкил етиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида эмас.
- (мижознинг номи) билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида эмас.
- инсофсиз ижрочилар ягона реестрида эмас.
- илгари тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар мавжуд эмас.
- солиқ тўловларидан қарздорлик мавжуд эмас.

Имзолар:

Директор _____
(Ф.И.Ш.) (Имзо)

Бош бухгалтер (молиявий бўлим бошлиғи) _____
(Ф.И.Ш.) (Имзо)

Ҳуқуқшунос; адвокат _____
(Ф.И.Ш.) (Имзо)

М.Ў.

Энг яхши таклифлар танлови иштирокчиси ҳақида умумий маълумот

1	Юридик шахснинг тўлиқ номи	
2	Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатга олинган сана, рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олиш органининг номи)	
3	Юридик манзил	
4	Алоқа телефони, факс, электрон почта	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Асосий фаолият	

Керакли хизматлар кўламини тақдим етиш тажрибаси ҳақида маълумот

№	Тақдим етилаётган хизматлар субъектининг номи	Харидорнинг номи, унинг манзили ва алоқа маълумотлари	Хизмат кўрсатиш муддати

(ваколатли шахснинг имзоси)

(ваколатли шахснинг тўлиқ исми ва лавозими)

Имзолар:

Директор _____

(Ф.И.Ш.) (Имзо)

Бош бухгалтер (молиявий бўлим бошлиғи) _____

(Ф.И.Ш.) (Имзо)

Ҳуқуқшунос; адвокат _____

(Ф.И.Ш.) (Имзо)

М.Ў.

Сана: " ____ " _____ 2022 йил

Иштирокчиларни малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари

Энг яхши таклифларни танлашда ғолиб бўлиш учун малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари.

Агар иштирокчи томонидан зарур маълумотлар тақдим этилмаган бўлса, харид комиссияси энг яхши таклифларни танлашда иштирок этишга руҳсат бермасликка ҳақли.

Малакавий мезонлари

№	Мезон	Еслатма	Баҳо
1	Камида 3 йиллик тажрибага эга бўлган иштирокчи	0-5 балл (иштирокчининг юклаган гувоҳномасига асосан)	0-5 балл (Харид комиссияси аъзолари ва мутахассислар баҳоси)
2	Ишлаб чиқариш ускуналари, бинолари, цех ва омборхоналар мавжудлиги	0-5 балл (иштирокчининг берган маълумотига асосан)	0-5 балл (Харид комиссияси аъзолари ва мутахассислар баҳоси)
3	Тахрир ишлари, наъмуналар таъдим этилади (Техник кўрсаткичга асосан)	0-50 балл (иштирокчи тақдим этган оригинал макет)	0-50 балл (Харид комиссияси аъзолари ва мутахассислар баҳоси)
4	Ишчилар сони	0-20 балл (иштирокчининг берган маълумотига асосан)	0-20 балл (Харид комиссияси аъзолари ва мутахассислар иштирокчилар орасидаги солиштирма баҳоси)
5	Етказиб бериш муддати (1 ой)	0-20 балл (иштирокчининг берган маълумотига асосан)	0-20 балл (Харид комиссияси аъзолари ва мутахассислар иштирокчилар орасидаги солиштирма баҳоси)

III. Энг яхши таклифларни танлашнинг нарх қисми.

1	Юқори нарх	ҚҚС билан 280 000 000,00 сўм.
2	Молиялаштириш манбаи	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан.
3	Тўлов шартлари:	Олдиндан тўлов - 30% Қолган қисми – 70% ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар учун – Буюртмачи томонидан ҳисоб-варақ фактура олинган кундан бошлаб 10 кун ичида тўланади.
4	Тўлов валютаси:	Ўзбек сўми
5	Хизмат кўрсатиш муддати	30 кун
6	Танланган таклифнинг амал қилиш муддати	Танлов таклифлари топширилган кундан бошлаб камида 90 кун